**Бугунги сондан иқтибослар:**

**Пандемия сабабли, 2020 йилнинг 16 мартидан бошлаб анъанавий таълим жараёнлари вақтинчалик тўхтатилган эди. Орадан 6 ой ўтиб, умумтаълим мактабларида янги ўқув йили бошланмоқда.**



2

**Ўша етимчанинг қисматидан аччиқ-аччиқ йиғлаганман. Шу-шу китоб ўқийдиган бўлиб қолдим. Орадан кўп ўтмай бу иштиёқ енгиб бўлмайдиган эҳтиросга айланди.**



3

**Амалдорнинг сўнгги сўзлари миямга найзадек санчилди. Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Ҳурматни ҳам, андишани ҳам бир чеккага суриб қўйиб бисотимдаги бор қаҳрни тилимга чиқардим.**



4


*Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси**

2020 йил
**9 сентябрь**
ЧОРШАНБА
**№ 60** (13321)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган


# «Энг улуғ, энг азиз»

## танлови вилоят босқичи ғолиблари тақдирланди











**Нурафшон шаҳридаги “Ёшлар марказида” "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов, вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Убайдулла Абдушоҳидов ва бошқалар мустақиллигимизнинг ҳаётимиздаги беқиёс аҳамияти, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни таъминлаш, юртимиздаги кенг кўламли бунёдкорликлар ва халқимиз ҳаётини фаровонлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини замондошларимизга етказишда мазкур танловнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Тадбирда энг муносиблар тақдирландилар. Улар орасида газетамизнинг умидли ва ёш ижодкорлари ҳам борлиги қувонарли. Жумладан, танловда ўз ижодий ишлари билан қатнашган вакилларимиз – умидли таржимон ва публицист Мирзоҳид Музаффар, ёш журналист Мадина Абдусаматова ва фотомухбир Аброр Эсонов ҳам ғолиблар қаторида эътироф этилдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Акмал Умаралиев қатнашди.

**Кумуш САЛОМОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**

*Аброр ЭСОНОВ олган суратлар*

**Бунёдкорлик**

**Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки вилоят филиалининг янги маъмурий биноси фойдаланишга топширилди.**



# ЯНА БИР ЯНГИ БИНО

## Нурафшоннинг очилиб бораётган қиёфасига кўрк бўлди

Замонавий дизайн асодида бунёд этилган мазкур иншоотнинг 1-2-қаватида жисмоний ва юридик шахсларга барча турдаги банк хизматлари кўрсатилади. Қолаверса, аҳолига ҳар томонлама қулай бўлиши ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида бинода мижозлар ва банк хизматчилари учун барча зарур шароитлар яратилган. Банкда бир вақтнинг ўзида 500 нафар мижозга хизмат кўрсатиш имкони мавжуд.

Таъкидлаш керакки, банкнинг вилоят филиали томонидан амалга оширилган инвестицион қўйилмалар натижасида охирги уч йил ичида 32 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратишга эришилган.

Тадбирда вилоят ҳокими Рустам Холматов иштирок этди.

**Ўз мухбирмиз**

*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар*



# Қуйи Чирчиқ:

## кластер қошида уруғчилик заводи

**Аввал хабар қилганимиздек, сўнгги йилларда Қуйи Чирчиқ туманида деҳқончилик маданияти тубдан ўзгарди. Аграр соҳа мутахассислари, тажрибали олимлар буни қишлоқ хўжалигида иш юритиш ва маҳсулот етиштиришнинг кластер усулига ўтилгани билан изоҳлашмоқда.**

Дарҳақиқат, экин майдонлари Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги қарори билан ташкил этилган “TCT Cluster” кластери ихтиёрига берилгач, аввало, зироат кушандаси бўлган ажриқдан тозаланиб, пахтачиликда яқин 10-15 йилдаги энг юқори натижага эришилди. Бундан ташқари, ҳар бир агротехника тадбирлари илмий асосда олиб борилиб, мавжуд сув йўллари, ариқлар, ирригация-дренаж тармоқлари мунтазам тозаланаётгани туфайли ғаллачилик ва шоличиликда ҳам юқори натижалар қўлга киритилмоқда.

Булар ҳақида кластер қошида ташкил этилган Илмий марказ ҳамда Илмий-техник кенгаш аъзоларининг йиғилишида гапирилди, муваффақиятлар эътироф этилди. Сўзга чиққанлар таъкидлашганидек, охирги икки йилда кўплаб ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, ҳали бажарилиши керак бўлган ишлар ҳам талайгина. Уруғчилик улар орасидаги энг долзарб масалалардан бири.

2

**Бандлик**

# Меҳнат ярмаркаси:

## ҲЕЧ КИМ НОУМИД КЕТМАДИ



**Ангрен шаҳри, "Кимёгар" маҳалласида жойлашган Ахборот технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежи ҳовлисида аҳолининг банд бўлмаган қатлами учун анъанавий меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.**

2

# "Биринчи қўнғироқ" соғинчи




**7 сентябрдан Республикамиздаги 329 та мактаб фаолиятини бошлади. Бу ҳақда Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати хабар берди.**

Мактаблар фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан тегишли қарор Санитария-эпидемиологик осойишталик марказининг хулосаси асосида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Янги 2020/2021 ўқув йили расман 14 сентябрдан бошланади.

Вилоятимизнинг туман ва шаҳарларидаги айрим умумтаълим мактабларида ҳам 2020-2021 ўқув йили анъанавий тарзда бошланди.

Оҳангарон шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги 9-умумтаълим мактабида карантин талаблари асосида ташкил этилган дарс машғулотларида шаҳар ҳокими А.Эшонқулов иштирок этиб, ўқувчиларни янги ўқув йили билан табриклади. Учрашувда масъулларга белгиланган қоидаларига қатъий амал қилиш юзасидан вазифалар юкланди.

**Маълумот учун, Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган сўровномада 5 миллион 500 минг ота-онадан 76 фоизи таълим жараёнини мактабга қатнаган ҳолда, яъни анъанавий шаклда олиб бориш тарафдори бўлган, 24 фоизи эса масофавий шаклда – теледарслар орқали давом эттиришни маъқул кўрган.**

2

# "Биринчи қўнғироқ" соғинчи



Мазкур таълим даргоҳида ўқув машғулотлари икки сменада ташкил этилган бўлиб, барча ўқитувчи ҳамда ўқувчилар тиббий ниқоб ва антисептик воситалар билан таъминланган. Шунингдек, мактабга СЭОМ, ИИБ, Миллий гвардия ҳамда тиббиёт ходимлари бириктирилган.

Ҳозирча мактабда 333 нафар ўқувчи таълим олади. 26 август куни ўтказилган сўровномада 204 нафар ўқувчининг ота-онаси анъанавий таълимни маъқуллаб овоз берган.

Шунингдек, Янгийўл туманидаги учта мактабда янги ўқув йили бошланди. Албатта, жонажон мактабларига келган ўқувчиларнинг қувончи чексиз. Устозлар карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда сабоқ беришмоқда. Хусусан, тумандаги 10-умумтаълим мактабида ҳам янги ўқув йили тажриба сифатида бошланди. Ота-оналарнинг розилиги билан фаолиятини бошлаган мактаб тажрибаси билан танишиш мақсадида ҳудуддаги бошқа таълим масканлари педагоглари ҳам келишди. Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликларининг қўшма буйруғи ҳамда карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда машғулотлар ўтилаяпти.

Бундан ташқари, Ангрен шаҳридаги 18-, 33-, 35-, 42-умумтаълим мактабларида ҳам карантин талаблари, санитария қоидаларига амал қилган ҳолда дарс жараёнлари бошланди. Шаҳар ҳокими Ш. Маҳмудов ушбу мактабларни кўздан кечирди.

Мактабларга шаҳар ҳокимлиги, депутатлар ва мутасадди ташкилотларнинг масъул раҳбарлари бириктирилиб, карантин қоидалари ижроси қатъий назорат остига олинган.

Мазкур мактабларда ҳам юқори ва бошланғич синф ўқувчиларининг кириб-чиқишлари учун шароит яратилган. Ҳар бир ўқувчининг тана ҳарорати пирометрларда текширилмоқда. Синф хоналарида қўл ювиш бурчаклари ташкил қилинган.

Тошкент туманидаги 8-умумтаълим мактабида ҳам ўқув йилининг бошланиши ўқувчиларга бир олам шодлик улашди. Мактабга туман СЭОМ, ИИБ, тиббиёт ходимлари жалб этилган бўлиб, улар болаларнинг хавфсизлиги ва саломатлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Шунингдек, Ўрта Чирчиқ тумани ва Олмалиқ шаҳридаги айрим мактабларда ҳам карантин қоидаларига амал қилган ҳолда дарслар бошлаб юборилди.

**Ўз мухбиримиз**

*Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар*

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ



**ЯНГИЙЎЛ** тумани, "Гулистон" маҳалласидаги "Баркамол авлод" биносида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва малакасини ошириш мақсадида тикувчилик ўқув курслари ўз фаолиятини бошлади. Мазкур курсларда малака ошираётган хотин-қизлар қўшимча даромад топишлари ҳам мумкин. Улар "Кўкча текстиль" пахта кластери томонидан жорий йил пахта йиғим-терим мавсуми учун 4 минг дона этак (фартук) тикишга буюртма олишди.



Шунингдек, "Халқобод" ҳудудидаги тиббиёт бирлашмасидан чойшаблар учун ҳам буюртма берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари **ПИСКЕНТ** туманида бўлиб, "Ўзстандарт" агентлиги томонидан барпо этилаётган синов лаборатория комплексида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишдилар.



**БЕКОБОД** туманида жорий йилда 243 та фермер хўжалиги ҳамда АПК Бекобод УК кластери билан биргаликда 12 минг гектар майдонга пахта экилган.



Фермер хўжаликлари ва кластер пахта майдонларида етиштирилган ҳосил тажрибали мутахассислар томонидан апробация қилинди. Мутахасислар хулосасига кўра, режадаги 36 минг 300 тоннадан ҳам ошириб ҳосил олишга имкон ҳам, шароит ҳам бор.

Туманда пахта ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териб олиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар давомида 15 минг нафар теримчидан иборат 82 та отряд шакллантирилди.

**ОЛМАЛИҚ** шаҳар иссиқлик манбаи корхонаси ишчи-ходимлари томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича режа асосида ишлар давом эттирилмоқда.



Жумладан, "Тотувлик" кўчасидаги марказий иссиқлик қувурлари янгисига алмаштирилиб, Алишер Навоий номли кўчадаги қувурлар таъмирланмоқда.

**Мавзуга доир**

# 6 ОЙЛИК ТАНАФФУСДАН СЎНГ...

**Нурафшон шаҳридаги 1-умумтаълим мактабида Президентимиз раислигида шу йилнинг 28 август куни умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, "Пандемия шароитида 2020/2021 ўқув йилида анъанавий таълим жараёнларини ташкил этиш" мавзуида ўқув-амалий семинар ташкил этилди.**





Семинарда барча туман ва шаҳар халқ таълими бўлими мудирлари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва санитария-эпидемиологик осойишталик маркази мутахассислари, ички ишлар органлари масъуллари, шаҳарда мавжуд 13 та умумтаълим мактаби раҳбарлари иштирок этди.

Маълумки, пандемия сабабли, 2020 йилнинг 16 мартидан бошлаб анъанавий таълим жараёнлари вақтинчалик тўхтатилган эди. Орадан 6 ой ўтиб, умумтаълим мактабларида янги ўқув йили бошланмоқда. Хўш, таълим муассасаларида ўқувчи ва педагог ходимларни инфекция юқишидан қандай ҳимоя қилиш керак, бу борада, аввало, нималарга эътибор қаратиш лозим?

Семинарда шу каби саволлар иштирокчилар диққат марказида бўлди. Мактабда анъанавий ўқув жараёнини ташкил этиш учун яратилган шароит асносида мутахассислар ушбу саволга кўргазмали жавоб беришди.

Қайд этилганидек, пандемия шароитида мактабларда дарс машғулотлари эрталаб соат 8:00 дан кеч соат 17:30 гача ташкил қилинади. Болаларнинг бир вақтда тўпланиб қолишининг олдини олиш мақсадида дарсларнинг бошланиши табақалаштирилган ҳолда ташкил этилади. Яъни, 1-4 синфлар мактабга соат 8:00 гача, 5-8 синфлар соат 8:30 гача ҳамда 9-11 синфлар 9:00 гача келади.

Ўқувчилар ижтимоий масофани сақлаган ҳолда алоҳида эшиклардан кириши, уларнинг тана ҳарорати тиббиёт ходимлари томонидан ўлчаниши лозим бўлади. Дарслар синф системасида, яъни барча дарслар бир синф учун бир хонада олиб борилади.

Семинарда, шунингдек, танаффус вақтида қўнғироқлар чалинмаслиги, синфхоналар кўчадаги ҳаво ҳароратидан келиб чиққан ҳолда шамоллатиб турилиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Маълумотларга кўра, Нурафшон шаҳрида 13 та мактаб мавжуд бўлиб, жорий ўқув йилида 8 минг 864 ўқувчи таълим олиши режалаштирилган. Пандемия сабаб ўқувчиларнинг анъанавий ёки онлайн тарзда таълим олиши юзасидан ўтказилган сўровномада 85,7 фоиз ота-она анъанавий, 1 минг 260 нафар ота-она эса онлайн шаклни танлаган.

Семинарда янги ўқув йилида таълим сифатини ошириш, пандемия шароитида анъанавий таълим жараёнини ташкил этишнинг муҳим ва устувор йўналишлари белгилаб олинди.

**К. САЛОМОВА**
**/Тошкент ҳақиқати/**



## ПЕДАГОГ КАДРЛАР МАЛАКАСИ СИНАЛМОҚДА

**Жорий йилги малака (тест) синовларини Тошкент вилояти мактабларининг бошланғич таълим ўқитувчилари бошлаб беришди.**

Малака (тест) синовлари ўтказилаётган Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси биноси замонавий ахборот-коммуникация технология воситалари билан таъминланган. Тестлар реал вақт режимида, онлайн тарзда барча қулайлик ва шароитлар яратилган хоналарда ўтказилмоқда.

Шунингдек, педагоглар саломатлигини сақлаш учун санитария-гигиена талабларига қатъий амал қилинмоқда.

Шаффофликни таъминлаш мақсадида жараёнлар кузатув камералари орқали ёзиб олинади. Педагоглар компьютер орқали тест натижаси билан дарҳол танишишлари мумкин.

Вилоят ўқитувчилари учун тест синовлари 21 сентябргача давом этади.

**Меҳнат ярмаркаси:**

# ҲЕЧ КИМ НОУМИД КЕТМАДИ

Ярмаркада шаҳар ҳокими Шукурулла Маҳмудов қатнашди ва шу ернинг ўзида фуқароларни қизиқтирган савол ва мурожаатларга батафсил жавоб берди. Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан таклиф этилаётган бўш иш ўринлари билан ҳам яқиндан танишди, корхона масъул вакиллари билан масала юзасидан суҳбатлашди.

Меҳнат ярмаркасида 60 та корхона 602 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Карантин қоидаларига амал қилинган ҳолда ўтказилган ярмаркада 247 фуқаро – 127 нафари ёшлар, 101 нафари хотин-қизлар, 19 нафари жазодан озод этилганлар қатнашди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Кун давомида 50 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди, улардан 33 нафари ёшлар. Шунингдек, юздан ортиқ мурожаатчи зарур маслаҳатлар олди.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, жорий йилда туманда бандлик дастури асосида 2 мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.



– Тошкент давлат аграр университетининг "Ўрмон хўжалиги" йўналишини тамомлаб, иш излаётган эдим, – дейди "Соғлом" маҳалласида истиқомат қилувчи Абдулазиз Сотиболдиев. – Ярмаркага келиб, турли ташкилотларнинг бўш иш ўринлари билан танишдим. Таклифлар ичида маъқул келгани – Оҳангарон ўрмон хўжалигига ўз йўналишим бўйича ишга қабул қилиндим. Корхона кадрлар бўлими мутахассислари ҳужжатларимни олиб, ишга қабул қилинганимни маълум қилишди.

Бундан ташкари, ярмаркада 20 нафар ишсиз хотин-қиз касбга қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун ўқишга жалб этилди.

Шунингдек, 30 нафар фуқаро вақтинчалик жамоат ишаларига жалб этилди.

**Шаҳар ҳокимлиги**
**Ахборот хизмати**

**Қуйи Чирчиқ:**

# кластер қошида уруғчилик заводи

– Бир қанча хорижий давлатларда ғаллачилик ва шоличиликда ҳосилдорлик 80-100 центнерни, пахтачиликда эса бу кўрсаткич 50 центнердан юқорини ташкил этади, – дейди кластер раҳбари, сенатор, иқтисодиёт фанлари доктори Муртазо Раҳматов. – Ваҳоланки, бизнинг тупроғимизнинг унумдорлиги, экин майдонларининг сув билан таъминланиш даражаси жуда яхши. Бироқ, уруғчилик масаласида илм-фанга, илғор тажрибаларга эҳтиёж катта. Шунинг учун селекционер олимларни кластерга жалб этган ҳолда, истиқболли навларни синаш, ҳудуд тупроқ-иқлим шароитига мос навларни чуқур ўрганиш ниятидамиз. Бу нафақат пахтачилик, ғаллачилик ва шоличилик йўналишларида, балки такрорий экинларни жойлаштириш, энг мақбул зироат тури ва навини танлашда ҳам қўл келади.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Анжуман иштирокчилари уруғчилик йўналишида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш мақсадида кластер қошида уруғчилик мини заводини ташкил этиш ташаббусини билдиришди. Мазкур таклиф кластер раҳбарияти ва Илмий марказ томонидан маъқулланди.

**Ўз мухбиримиз**



Мутолаа

**Инсон онгининг ўсиши, дунёқарашининг кенгайиши, билим даражасининг ошишида китоб мутолаасининг аҳамияти беқиёс. Мутолаа одам ва оламни англашга ёрдам беради. Ёшларда китобга меҳр-муҳаббатни уйғотиш, китобхонлик маданиятини шакллантиришда оила ва мактабнинг ўрни катта. Албатта, бу борада оилада ота-она, мактабда устозларнинг шахсий ибрати муҳим аҳамиятга эга. Ёшларни китобга ошно қилиш, мутолаага қизиқтиришда буюк шахслар, ўз касбининг фидойиси сифатида танилган машҳур инсонларнинг китобга муносабатини ёритувчи ҳаётий ҳикоялар билан таништириб бориш ҳам ижобий самара беради.**

"Лисон ут-тайр" достонида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг китоб мутолаасига қандай меҳр қўйганликлари ҳикоя қилинади. Унда айтилишича, 9-10 ёшлардаги ёш Алишернинг устозлари мактабда бир тартибни жорий этган эканлар. Яъни, асосий дарс машғулотлари орасидаги танаффусда толиби илмлар бадиий асар мутолаа қилишлари шарт экан. Бундан кўзланган асосий мақсад – болаларни китоб ўқишга қизиқтириш бўлса, иккинчиси – хотирани мустаҳкамлаш экан. Аксар ҳолларда улар Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" ва

# ЙИҒИЛГАНИ ЭМАС, ЎҚИЛГАНИ БОЙЛИК



"Бўстон" асарларини, Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" достонини ўқишган. Ёш Алишер ҳам "Мантиқ ут-тайр" асарини ўқишга киришади ва тез орада китоб унинг сирдошига айланади. Ота-онаси бу ҳолдан қаттиқ хавотир олиб, китобни яшириб қўядилар. Лекин, бўлажак шоир "Мантиқ ут-тайр"ни ёдлаб олган эди. Асарда илгари сурилган ғоя бир умр Алишер Навоийга ҳамроҳ бўлди, тафаккурини буюк ишларга йўналтирди. 1499 йилда шу асар таъсирида "Лисон ут-тайр" достонини яратди.

XX аср ўзбек адабиётининг забардаст вакилларидан бири, адабиётшунос олим, моҳир таржимон Озод Шарафиддиновнинг китобхонликларини замондошлари кўп маротаба таъкидлашган. Озод Шарафиддинов ўз хотираларида китоб ўқишга қизиқиш қачон пайдо бўлганини шундай таърифлайди: "10-11 ёшимда биринчи ўқиган асарим менда жуда чуқур таассурот қолдирди. Бу – арман ёзувчиси Ованес Туманяннинг "Гикор" романи эди. Бунда бир етим боланинг бағоят аччиқ ва аламли саргузаштлари баён қилинганди. Ҳикояни ўқиб, ўша етимчанинг қисматидан аччиқ-аччиқ йиғлаганман. Шу-шу китоб ўқийдиган бўлиб қолдим. Орадан кўп ўтмай бу иштиёқ енгиб бўлмайдиган эҳтиросга айланди. Юқори синфга ўтганимда 30- ва 40-йилларда ўзбек тилида чиққан ҳамма бадиий асарларни ўқиб бўлган эдим..."

Олимнинг китобни шунчаки эмас, балки қалбан ҳис этиб ўқиганлиги таҳсинга сазовор. Вафотидан олдин "Китобларимни асранг, улар менинг бойликларим", деган сўзлари ёшларга ибрат мактаби бўла олади.

"Отам Борис Полевойнинг "Чин инсон қиссаси"ни туғилган кунимга совға қилганида 9 ёшда эдим, – деб эслайди учувчи Юрий Наумов. – Олдинига расмларини томоша қилдим. Яхши безатилган бу китоб менга жуда маъқул бўлди. Уни секин ўқий бошладим ва табиийки, кўп сўзларига тушунмадим. Аммо, Алексей Мересьевнинг ҳаёт учун ва ўз орзусига эришиш йўлидаги кураши мени мафтун этди. Катта бўлганимда албатта, учувчи бўлишга қарор қилдим. Жисмонан заифлигим туфайли ота-онам ҳам, мактабдош ўртоқларим ҳам орзуимнинг амалга ошишига ишончсизлик билан қарадилар. Ҳалинчакда учолмас, машинада юролмас эдим. Ўзимдаги камчиликларни бартараф этиш учун спорт билан жиддий шуғуллана бошладим. Доимий машқлар касалликни енгишда қўл келди. Учувчилар билим юртига ўқишга кирдим. Орзуим ушалди. Мана, китоб менинг ҳаётимда қанчалик катта роль ўйнаган. Китоб фақат касбга йўллабгина қолмади, балки уни эгаллаш йўлларини ҳам кўрсатди."

Ҳаётий ҳикоялардан хулоса шуки, китоб ҳаётда ўз ўрнини топган, муваффақиятларга эришган инсонларнинг умр йўлларини маёқ сингари ёритиб турган. Ота-оналар ва устозларнинг ёшларни бу каби ибратли хотиралар билан таништиришлари баробарида ўзлари ўқиган илк асар таассуротлари ҳақида ҳикоя қилиб беришлари ҳам уларни мутолаага қизиқтиришга ёрдам беради. Хотираларни ибрат дарси сифатида қабул қилиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш ёшларнинг китобга муҳаббатини оширади, мутолаадан завқ олишга ўргатади.

**Нигора ҚУРБОНОВА,**
**Бекобод шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактаби ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**



# ҲАЁТНИНГ ЁРҚИН ТАРАФИ

**• Асабингизни тинчлантириш учун сайр қилиш ёки мусиқа тинглашдан ҳам самаралиси китоб ўқиш экан. Атиги олти дақиқа китоб ўқиш асабийлашишга барҳам беради.**

• Хотиржам бўлиш ва ухлашга ёрдам берадиган энг яхши усул китоб ўқиш. Бир оз китоб ўқисангиз мия ухлаш вақти бўлганини тушунади.

**• Эмори университети олимлари китоб ўқиган инсоннинг ақлий салоҳияти бир неча кун давомида юқори ҳолатда бўлишини исботлашди.**

• Шотландиялик олимларнинг тадқиқотлари эса, тушкунликка чалинган беморлар китоб ўқишни бошлаганларидан сўнг уларнинг кайфияти кўтарилганини исботлаган.

**• Кўп китоб ўқиган одам ҳар қандай мавзуда қизиқарли суҳбат қура олади ва ўз билими билан суҳбатдошининг меҳрини қозонади.**

• Китоб ўқиш ҳаётдаги тўсиқларни енгишда ҳам ёрдам беради.

**• Доимий равишда китоб ўқиш сўз бойлигини ошириб, бошқа тилларни ўрганишда янги сўзларни осон тушунишга ва ёдда сақлаб қолишга ёрдам беради.**

• Тадқиқотлардан маълум бўлишича, кўп китоб ўқиган инсонлар Альцгеймер касаллигига камроқ чалинишар экан. Мия ҳам худди бошқа аъзолар сингари қўллаб-қувватлашга ва машқлар ёрдамида мустаҳкамланишга муҳтож бўлади. Китоб ўқиш эса бу борада энг самарали усулдир.

**• Психологлар биргаликда китоб ўқиш жараёнида ота-оналар ва болалар ўртасида ўзига хос муносабат ўрнатилади деб ҳисоблашади. Бундай муносабат биргаликда телевизор кўрганда асло пайдо бўлмайди.**

• Статистика маълумотларига кўра, умуман китоб ўқимайдиган инсонларнинг 43 фоизи қашшоқликда яшайди. Саводли инсонлар орасида эса қашшоқликда яшайдиганлар 4 фоизни ташкил этади.

**• Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, панжара ортида саводхонлигини оширган жиноятчилар озодликка чиққанларидан сўнг жиноятга камроқ қўл урадилар.**

*Аброр ЭСОНОВ олган сурат*

Жараён

# Довон йўллари мавсумга шайми?

**"А-373–"Тошкент–Ўш" автомобиль йўли ҳамда "Ангрен–Поп" электрлаштирилган темир йўлининг "Қамчиқ" довонидан ўтган қисмида 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумида автомобиль ва темир йўл транспорти воситаларининг узлуксиз, хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар ҳолати ўрганилди", деб хабар берди Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ахборот хизмати.**



Ўрганиш жараёнида довондаги хавфли геологик ва гидрометеорологик ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан муҳандислик-ҳимоя тадбирларининг бажарилиши, автомобиль йўлида йўл таъмирлаш ишларининг бориши, шунингдек, автомобиль йўли ҳолати ҳамда бошқа қатор масалалар юзасидан бажарилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш тадбирлари ҳозирда давом эттирилмоқда.



## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 9 сентябрь куни Тошкентда ҳаво бир оз булутли бўлади, вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-16, кундузи 28-30 даража илиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳаво бир оз булутли бўлади, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво бир оз булутли, айрим жойларда ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13, кундузи 20-25 даража илиқ бўлади.

Эълонлар


## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятига ташрифида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида «Янгийўл-Марказий Томорқа Хизмати» МЧЖга қарашли Янгийўл тумани Саид ота массиви ҳудудида жойлашган 20 гектар ер майдонида массивнинг ташқи темир панжара деворлари қурилиши 2.673 км. (653 096 823 сўм) учун**

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов иштирокчиларидан тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб, 10 иш куни давомида қабул қилинади.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги талабларга мос келиши шарт:

– шартнома шартларини амалга ошириш учун зарур малакали ходимларга, молиявий ресурсларга, техник ускуналарга, хом ашёларига ва бошқа зарур ресурсларга эга бўлиши;

– тузиладиган шартномага қонуний томондан ёндошиш;

– солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликлари мавжуд эмаслиги;

– банкротлик ҳолатига оид муаммоларнинг мавжуд эмаслиги.

**Маълумот учун телефон:**
**+998 90 100-76-76.**



# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ БЎКА АГРОТЕХНОЛОГИЯ ТЕХНИКУМИГА ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

## Йўналишлар:

• 1. Зоотехника – қабул режаси = 20 та: гранд 5 та; контракт 15 та
• 2. Агробизнес ва маркетинг – қабул режаси = 20 та: гранд 5 та; контракт 15 та
• 3. Пиллачилик ва тутчилик агрономи – қабул режаси = 20 та: гранд 5 та; контракт 15 та
• 4. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит – қабул режаси = 20 та: гранд 5 та; контракт 15 та
• 5. Агрологистика – қабул режаси = 20 та: гранд 5 та; контракт 15 та
• 6. Туризм – қабул режаси = 20 та: гранд 5 та; контракт 15 та
• 7. Агроном (экин турлари бўйича) – қабул режаси = 20 та: гранд 5 та; контракт 15 та
• 8. Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш – қабул режаси = 20 та: гранд 5 та; контракт 15 та
• 9. Рақамли ахборотни қайта ишлаш аналитиги – қабул режаси = 20 та: гранд 5 та; контракт 15 та
• 10. Агробиотехнология – қабул режаси = 20 та: гранд 5 та; контракт 15 та
• 11. Ўсимликлар ҳимояси ва карантин агрономи – қабул режаси = 25 та: гранд 6 та; контракт 19 та
• 12. Иссиқхона ва парник хўжалиги техниги – қабул режаси = 20 та: гранд 5 та; контракт 15 та
• 13. Доривор ўсимликларни қайта ишлаш техник технологи – қабул режаси = 20 та: гранд 5 та; контракт 15 та
• 14. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва сервис техник – қабул режаси = 20 та: гранд 5 та; контракт 15 та

**Қабул 2020 йил 25 сентябргача давом этади. Ўқиш муддати 2 йил. Ўқиш кундузги, кечки, сиртқи таълим шаклида олиб борилади.**



**Техникумни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга якка тартибда суҳбат асосида кириш имтиҳонларисиз 2-босқичдан қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларининг мос бакалавриат таълим йўналишларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи ва имконияти берилади.**

• Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сонли қарори

• Бизнинг манзил: Тошкент вилояти, Бўка тумани, 39-уй (собиқ Автомобиль йўллари техникуми)

• Расмий телеграм канали; https://t.me/buka_texnikum

• Тел.: 99-807-27-60 , 99-844-83-30.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"-ги ПФ-5812-сонли Фармонига мувофиқ Бўка агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги бошланғич олий мактаб – Бўка агротехнология техникумига айлантирилган.**

Техникумга www.texnikum.edu.uz электрон платформаси орқали қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:

**1.** электрон ариза;

**2.** умумтаълим мактабининг 11-синфини тугатганлигини тасдиқловчи аттестат (электрон) нусхаси ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом (электрон) нусхаси;

**3.** 3х4 фотосурат (3 дона).

**Профессионал таълим муассасаларига қабул жараёнлари бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида 71-246-11-92 "Call марказ" ташкил этилган. Шунингдек, Бўка агротехнология техникуми қабул квотасида белгиланган 14 та йўналиш бўйича илмий даражага эга ва салоҳиятли, умумий ва касбий компетенцияга эга бўлган мутахассисларни ишга таклиф этади.**



## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятига ташрифида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида «Янгийўл-Марказий Томорқа Хизмати» МЧЖга қарашли Янгийўл тумани Саид ота массиви ҳудудида жойлашган 20 гектар ер майдонида ТП 1000 - 10 0,38,2 дона 0,4 кв. ички кабел тармоғи 3,432 км. (723 332 747 сўм) учун**

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов иштирокчиларидан тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб, 10 иш куни давомида қабул қилинади.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги талабларга мос келиши шарт:

– шартнома шартларини амалга ошириш учун зарур малакали ходимларга, молиявий ресурсларга, техник ускуналарга, хом ашёларига ва бошқа зарур ресурсларга эга бўлиши;

– тузиладиган шартномага қонуний томондан ёндошиш;

– солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликлари мавжуд эмаслиги;

– банкротлик ҳолатига оид муаммоларнинг мавжуд эмаслиги.

**Маълумот учун телефон:**
**+998 90 100-76-76.**



## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятига ташрифида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида «Янгийўл-Марказий Томорқа Хизмати» МЧЖга қарашли Янгийўл тумани А. Ортиқов массиви ҳудудидаги жойлашган ер майдонида 5 та 0.10 гектардан жами 0.50 гектар майдонга (80х12 м. ўлчамда) Хитой типидаги иссиқхона қурилиши учун**

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов иштирокчиларидан тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб, 10 кун давомида қабул қилинади.

**Хитой типидаги иссиқхона қурилишининг танлов шартлари қуйидагилардан иборат:**

*1. Иссиқхона ўлчами: 80 х 12 м;*
*2. Баландлиги: 5.3 м;*
*3. Ўраш материали: том қисмини ўраш – 150 микронлик полиэтилен плёнка;*
*4. Иссиқхона системаси: пўлат карказ (структура), ўраш, термал одёл системаси, ҳашарот тури системаси, вентиляция системаси, тугмали бошқарув системаси, иситиш тизими ва ҳоказо;*
*5. Пўлат структура материали миллий стандарт асосида юқори сифатли карбон пўлат ҳисобланади. ГБ/Т1912-2002;*
*6. Термал одёл системаси: термал одёл қалинлиги – 35 мм. Сув ўтказмайдиган, оғирлиги – 1м² – 3 кг.*

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги талабларга мос келиши шарт:

– шартнома шартларини амалга ошириш учун зарур малакали ходимларга, молиявий ресурсларга, техник ускуналарга, хом ашёларига ва бошқа зарур ресурсларга эга бўлиши;

– тузиладиган шартномага қонуний томондан ёндошиш;

– солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорликлари мавжуд эмаслиги;

– банкротлик ҳолатига оид муаммоларнинг мавжуд эмаслиги.

**Маълумот учун телефон:**
**+998 90 100-76-76.**

Тадбиркорликка кенг йўл

# Ширинлик ижодкорлари







Тошкент туманидаги "World sweets" хусусий корхонаси қандолат маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган. Ёш тадбиркор Фарҳод Миржалолов бошчилигидаги корхонада 50 турдан зиёд сифатли ширинликлар савдо нуқталарига чиқарилмоқда.

Корхона қандолатпазларининг аксарияти маҳаллий аҳоли вакилларидир. Уларнинг 20 нафари ёшлар.

*Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар*

Спорт

# ЧАВАНДОЗЛАР ҲОКИМ КУБОГИ УЧУН БЕЛЛАШИШДИ



**Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган "Ўзбегим отлари" от заводига қарашли отчопарда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги бағишлаб от пойгаси бўйича Тошкент вилояти ҳокими кубоги учун мусобақа ўтказилди.**



Мусобақада вилоятимизнинг барча ҳудудларидан, шунингдек, айни пайтда ҳамюртларимиз билан биргаликда ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этаётган туркманистонлик спортчилар иштирок этишди.

– Гувоҳи бўлганингиздек, бугунги мусобақа чавандозларнинг муросасиз беллашувлари остида ўтди, – дейди Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси раисининг ўринбосари – бош котиби Камол Худойбердиев. – Бу каби турнирлар орқали нуфузли халқаро мусобақалар учун етакчи чавандозлар ва чопқир отларни саралаб оламиз. Қолаверса, ички мусобақаларга қўшни давлатлардан ҳам чавандозларни таклиф этганмиз. Улар билан биргаликда ўқув-йиғин машғулотлари ўтказилмоқда. Бундай машғулот ва мусобақалар ўзбек чавандозларининг жаҳон отчопарларидаги турнирларда қатнашишлари учун имкон яратади.



Пойгалар иштирокчи отларнинг ёши ва пойга масофасига кўра 8 йўналишда ташкил этилди. Эътиборли жиҳати шундаки, "Ўзбегим отлари" от заводида тарбияланаётган бир ярим ва 2 ёшли, тоза қонли инглиз отлари илк бор мусобақанинг дастлабки йўналишларида синовдан ўтказилди. Отларнинг дебюти халқаро тоифадаги спортчи чавандозлар ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

**Ўз мухбиримиз**

Биллур бисотдан

# Бизни кемиргувчи иллатлар

**Бизни** кемиргувчи иллатлар деганда, захму маразними гумон этарсиз? Ёинки, сил, силария ва махавликними дерсиз? Йўқ, андан ҳам ямонроқ ва андан ҳам жонхарош, бевоя, хонавайрон ва ғариб этгувчи бир дард, биз – туркистонийларни шаҳри ва қишлоқи ёйинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизғача истило этиб, бутун тириклигимизға сорилгон ва бизни инқирозға ва таҳликаға ва жаҳаннамға юмалататургон тўй, азо исминдаги икки қаттол душманни дерман.

* * *

**Маълум** бир шаҳарда яҳудийлар баъзан ўлукларини оқшом элтиб кўмарлар. На учун? Кундузи ишдан қоларлар. Биз бўлса, ўлук ва тўй учун ҳафталар, ҳатто, ойлар ила ишдан қолурмиз. Ҳолбуки, шореъи аъзам, пайғамбари акрам саллоллоҳи алайҳи васаллам ҳазратлари ўлганни тез кўмуб ва кўмгандан сўнгра тез тарқалиб, ишға кетмоқға ва ўлукхона халқини уч кундан зиёда таъзия тутмасға, қаро киймасға, кир, фалокат бўлмасға амр этарлар. Эй халқ! Эй мусулмонлар! Биз на учун Худо ва расулни сўзиға ва ўзимизни нафъимизға амал қилмаймиз? Биз девонами? Биз таклифдан ташқарими, Худо учун сўйлангиз.

**Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ**

# ЭКОАКЦИЯ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Бўстонлиқ туманида дам олиш масканларига олиб борувчи йўллар, ўрмон хўжаликлари ҳудудлари, сув омборлари ва атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш мақсадида саёҳат маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган экологик акцияга старт берилди.**

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ахборот хизмати маълум қилди.

– Давлатимиз раҳбарининг Бўстонлиқ туманида алоҳида бошқарув тизимини жорий қилиш тўғрисидаги фармонида биринчи навбатда ҳудуддаги чиқинди ташлаш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ вазият кескин танқид қилинди. – дейди туман ҳокими Жўрабек Аҳмедов. – Шундан келиб чиқиб, Туризмни ривожлантириш ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган.

Унга кўра, қўшимча равишда 11 та алоҳида чиқинди йиғиш пункти ташкил қилинади ҳамда улар 10 та янги машина билан таъминланади. Бу туман ҳудудини чиқиндилардан тўлиқ тозалаш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, алоҳида йирик чиқиндиларни йиғиш пункти ташкил қилинмоқда.

Таъкидланганидек, туманнинг асосий қисми дам олиш ҳудуди бўлишига қарамасдан, чиқиндиларни қайта ишлаш, атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳолати қониқарсиз даражага келиб қолган.

Эндиликда Экоинспекция томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаганларга нисбатан жарималар қўлланилади.

Ҳозир аҳоли ва меҳмонлар орасида шу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Туристик объектлар ҳудудига чиқинди ташлайдиган қутилар қўйилмоқда.

Мазкур экологик акция 2020 йилнинг охирига қадар давом этади.

Икки ҳайдовчи ҳикояси

# ЎХШАШ НУСХАлар

**Гавжум чойхона. Катта чинор остидаги чорпояда нуроний отахонлар галма-гал суҳбатга ўт қалашмоқда. Ёши етмишларга бориб қолган Қодиржон яхши тарашланган соқол-мўйловини силаётиб, рўпарасида ўтирган Холматжонга истеҳзоли жилмайганча иддао қилди:**

– Анаву воқеани айтиб бераман, деганингизгаям ҳафта бўляпти. Одамнинг ичини тоза қиздирдингиз-да, Холматжон. Сиздан андоза олиб, мен ҳам бир нимани айтай девдим.



Бирдан давра тинчиб қолди. Нуронийлар айтсангиз айтақолингда дегандай Холматжоннинг оғзини пойлашди.

– Бунгаям нари-бери эллик йиллар бўлиб қолди-ёв, – дея ҳикоясини бошлади Холматжон. – Ҳайдовчилик курсини битириб иш бошлаганимга эндигина йил бўлганди. Нуфузли идоранинг бошлиғини олиб юраман. "Волга" русумли автоулов остимда. Ўшанда айни ёз чилласи эди. Бошлиғим менга синчков нигоҳини қадаганча илтимос оҳангида топшириқни нақд қилди.

– Холматжон ука! Сизга нозик бир вазифа бор. Бир акахонни қишлоқдаги тўйга элтиб бориб, элтиб келасиз. Нозик деганим у одам фирқа бюросининг аъзоси. Унинг олдида ўзингизча ҳар не деб тилингизга эрк берманг, хўпми. Саломингизга жўяли алик олса ҳам дўппингизни осмонга отиб қувонаверинг, – деб тайинлади.

– Майли-да, – далда берган бўлди бошлиғим авзойим ўзгарганини пайқаб. – Бу тил ўлгур суяксиз-да. Ўзингизга эҳтиёт бўлинг деяпман ука.

Мен маъқул ишорасини қилдим.

Эртаси куни тайинлаган дарбоза олдига муддатдан беш дақиқа олдин етиб бордим. Ичкаридан бўйи пакана, саваҒичдек озғин, қонсиз юзи мурданинг башарасидек хунук, оқ бошида қора шляпа, бўйнида бўйинбоғ, эгнида қора костюм-шим, оёғида ўсмир болаларга лойиқ кичкина туфли. Меҳмон уловнинг орқа ўриндиғига виқор билан беписанд ўтириб олгач, ҳурмат юзасидан юрак ютиб салом бердим. Саломим савил қолди. Алик бериш у ёқда қолиб уроқи совундек рангпар башараси бир томонга тортилиб кетди. "Сен ўзи кимсан, нари борса бир аравакашсанда" дегандек бурнини жийирди.

Бошлиғим бекорга огоҳлантирмаган экан, бурнидан эшак қурти ёғилаётган бу нусха билан оддий суҳбат тугул шунчаки муомала ҳам қилиб бўлмаслигига иқрор бўлдим. Икковлон гунг бўлиб қишлоқдаги айтилган хонадонга яқинлаша бошладик.

Анча олисданоқ биз бораётган хонадонда тўй бўлаётгани аён бўлди.

Шу сонияда орқа ўриндиқда ўтирган амалдорнинг кичик гавдасига мос чийилдоқ буйруқ оҳангидаги овози хаёлимни бўлди:

– Машинани шу ерда тўхтат. Энди санга шундай топшириқ: тўйхонага борасан, Эркин Мансуровични сўрайсан...

– У киши ким, мен, мен танимасам... – дудуқландим.

– Муҳиддин Қодировични танирсан балки, у кишини билмаган одам йўқ...

– Танимайман, – айбдордай елка қисдим.

– Садриддин Жўраевичничи? – амалдорнинг зардаси қайнади чамаси, сурнайдай овози бўғилиб чиқди.

Бу сафар соқов одамдай бошимни эгиб туравердим.

– Сен қанақа қовоқмия одамсан-а, бир жойда яшаб шу жойнинг катталарини танимайсан, нима бало, аллақаёқдан тентираб келиб қолган мардикормисан?

Амалдорнинг сўнгги сўзлари миямга найзадек санчилди. Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Ҳурматни ҳам, андишани ҳам бир чеккага суриб қўйиб бисотимдаги бор қаҳрни тилимга чиқардим:

– Тилингизга жа эрк берманг. Амалдор бўлсангиз ўзингизга. Осмон қўлингизда бўлса ташлаб юборақолинг. Ўзингиз қайси мусофирдан ортиқсиз. Атрофингиздаги тўртта амалдордан бўлакни танимайсиз...

Аччиқ сўзларимни амалдор эшитдими, йўқми очиғи билолмай қолдим. Уловнинг орқа эшиги очиқ ҳолда қолган, амалпараст ҳамроҳим кичик гавдасига ярашмаган ҳолатда катта-катта қадам ташлаганча, тўйхона томон шитоб билан кетиб борарди. Уловдан тушиб, орқа эшикни зарда билан ёпдим. Бу пайтда у кўздан ғойиб бўлган, барча қабиҳликларни кечириб юборишга қодир қишлоқнинг меҳмондўст, оддий, содда, бағри очиқ одамлари уни аллақачон ўз давраларига олгандилар...

* * *

– Мен айтмоқчи бўлган ҳангомага кўпам бўлмади, – дея ҳикоясини бошлади Қодиржон. – Бир гал дам олиш куни озроқ чойчақа топай, деб уловим билан шоҳбекатга келдим. Вақт пешинга яқинлашиб қолган, бахтга қарши таксичилар сероб, йўловчилардан эса дарак йўқ.

Бир пайт уловим олдида безовта бўлиб турган ёши олтмишлардан ошган соқол-мўйловли, истараси иссиқ отахонга кўзим тушиб қолди. У мени худди танигандай қўли билан имо қилди.. Отахоннинг истиқболига шошиларканман, эгнидаги тоза-кийим бошига разм солдим Оқ туфли, оқ шим, оқ яктак, оқ (ҳожилар киядиган) дўппи.

Қўлимни кўксимга қўйиб салом бергач, мулойим оҳангда сўрадим:

– Ҳожи ота, сизни қай манзилга элтиб қўяй, – дедим.

– Келовчи қишлоғидаги тўйхонага олиб бориб қўйсангиз бўлди, болам. У ёқдан кейин ўзим қайтаман.

– Хўп ота, – дедим.

У уловнинг орқа ўриндиғига ўтириб олгач илтимос қилди:

– Йўлда йўловчи олмайсиз, хўпми, ўғлим.

– Шошаяпсизми, ота? – сўрадим иккиланиброқ.

– Йўқ, шошишдан Худо асрасин-а. Бизнинг ёшда югургилаб энди қаёққаям борардик. Фақат йўловчининг ҳар турфаси борда. Баъзи бировининг кийим-боши кир-чир, қўланса ҳид келиб туради. Эмизикли хотинни жиним суймайди. Ундан ачиган сут ҳиди келади. Тутатқи тортадиганлар қанча. Хуллас, бир ўзимни олиб бориб қўясиз. Сўраган пулингизни бераман.

Таажжубда улов рулини айтилган манзил томон бурдим. Фариштадай бўлиб кўринган бу оқ либосли отахондан негадир бирдан кўнглим қолди.

– Ота, Ҳажга бормасдан олдин нима юмуш билан шуғуллангансиз, – хушламайгина сўрадим.

– Илғор савдо ходими бўлганман. Қатор-қатор аълочи савдо ходими деган нишонларим бор. Шаҳарнинг жами каттаконларини ўша пайтда камёб бўлган ҳинд чойи, Москвадан келтирилган сифатли сариқ мой билан таъминлаб турганман, хўпми. Кейин уруш инвалидларига хизмат қиладиган дўконда ишладим. Арзон гўштми, тухумми, пишлоқми уларни ҳам йўлини қилиб амалдорлар дастурхонига тортиқ этиб турганман.

– Амаки, ўзингиз урушга борганмисиз? – энсам қотганча яна сўрадим.

– Менга урушда пишириб қўйибдими, таниш дўхтирдан тутқаноғи бор, деган исправка қилдириб олганман...

Тутуриқсиз суҳбат билан бўлиб манзилга етиб қолибмиз. Тўйхонага эллик одимлар қолганида мижозим уловни тўхтатишимни буюрди. Буйруқ бажарилгач, отахон мижғовланиб яна илтимос қилди:

– Ука шу десангиз, тўйхонага кириб, менга ўхшаган ҳожиларга алоҳида жой қилишганми, йўқми билиб чиқсангиз. Ҳар ҳолда "Ҳожи" деган номим бор. Дуч келган билан бир дастурхонда ўтиролмайман, ахир...

Мижозимнинг сўзларини бошқа эшитмадим. Тўйхона томон чопқиллаб кетдим. Қани, тезроқ шу отахондан қутулиб енгил нафас олсам. Ҳовлида меҳмонлар гавжум. Ким ҳожию ким ҳожи эмас билиб бўлмади. Бошига оқ дўппи, эгнига оқ яктак кийган кимсаларга кўзим тушмади. Қайтиб келиб ҳамроҳимга ростини айтдим:

– Ҳожилар учун алоҳида жойга ҳам, оқ дўппиликларга ҳам кўзим тушмади, – дедим кўзимни лўқ қилганча.

– Кап-катта йигит экансиз, ким ҳожи, ким ҳожи эмаслигини фарқлай олмайсизми? Бу ёғи қизиқ бўлди-ку.

– Ҳожиларнинг пешонасига ёзиб қўйилмаганку. Ҳамма бир одам эмасми, – дедим ошкора зардам қайнаб.

Мижозим эскириб сохтиёни чиқиб кетган иккита қоғоз пулни олд ўриндиққа ташлаб, уловдан тушди. Сўнг тўйхона томон қаддини ғоз тутганча виқор билан юриб кетди...

***Ҳикояларни борича оққа кўчирувчи:***
**Собиржон ИНОМОВ**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-943. 4 278 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthaqiqati@umail.uz // th-tp@inbox.ru

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.
*Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.*

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи Муҳаммадсиддиқ АЛИЖОНОВ

ISSN 2010-9318. *Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 20.20* 1 2 3 4 5